

# Жаннат васфи

[ Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي ]

Акрам Ҳасан

Муҳаррир: Шамсуддин Дарғомий

2013 - 1434

IslamHouse.com

# وصف الجنة

« باللغة الأوزبكية »

أكرم حسن

مراجعة: شمس الدين درغامي

2013 - 1434

IslamHouse.com

## **Бисмиллахир Роҳманир Роҳим**

### **Жаннат васфи**

Бандаларининг озгина амалларига сон-саноқсиз нематларини ёғдирган, Ўз китобида ғазабидан раҳматини устун айлаган, Ўз фазли ва қарами ила бандаларидан хоҳлаганларини рушди хидоят ва тавфиқда хос этган Аллоҳга чексиз ҳамду санолар бўлсин.

Шак-шубҳасиз, аввалдаю охирда якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва башарият саййиди, пайғмабарлар қоиди Аллоҳнинг ҳабиби Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавоту саломлар ёғилсин.

Муҳтарам биродарлар! Бугунги сұхбатимиз жаннат ва унинг васфи борасидадир.

Жаннат ҳақида нималарни биламиз? Тўғрироғи жаннат ҳақида бизга нималар хабар берилган?

Кўз кўрмаган, қулоқ эшифтмаган, одам боласининг хаёлига келмаган неъматлару лаззатлар, роҳатлару фароғатлар муҳайё қилингадир унда. Аллоҳнинг ушбу оятига қулоқ тутинг:

«Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот учун яшириб қўйилган кўзлар қувончини (охират неъматларини) ҳеч ким билмас». Сажда сураси 17-оят.

У жойда күнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган барча нарса бордир: «Сизлар у жойда (жаннатда) мангу қолурсиз».

Зуҳруф

сураси

71-оят.

Жаннатда еттига эшик бор. «Райён» номли эшикдан фақат рўзадорлар кириши ҳадисларда айтилган.

Пайғамбаримиз жаннат эшикларининг катталигини таърифлаб шундай деганлар: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, жаннат эшиклари таваққасининг ораси Макка билан Ҳажар орасичадир (*Ҳажар Баҳрайндаги бир шаҳар*) ёки Макка ва Бусро орасичадир (*Бусро Шомдаги бир шаҳар*)».

Утба ибн Фазвон розияллоҳу анху айтади: «Бизга зикр қилинишича, жаннат эшиклари таваққасининг ораси кирқ йиллик масофадир. Бир кун келиб бу эшик тиқилинчдан тўлиб тошиб туради».

Муслим ривояти.

Пайғамбаримиз жаннат эшикларини сифатлаб, эшиклардаги ҳалқалар ҳақида шундай деганлар: «Жаннат эшигининг ҳалқасини ушлаб, уни жангиллатиб турман».

Жаннатлар ҳам даражага бўлиниши ҳақидаги ушбу ҳадисга қулоқ солинг: Пайғамбаримиз: «Жаннат аҳли ўзларидан юқори хоналардаги жаннатиларни худди порлаб турган йўлчи юлдузларни қўргандек кўриб туради», -

дедилар. Саҳобалар сўрашди: Ё расулуллоҳ, бу анбиёлар жойими? Улардан бошқалар кира олмайдими? Пайғамбаримиз айтди: «Йўқ, бу жойлар Аллоҳга иймон келтирган ва пайғамбарларни тасдиқлаганлар жойидир».

*Мұттафақүн алайھи.*

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиласы: «Жаннатга биринчи бўлиб кирадиган жамоанинг юзи худди тўлин ой юзли бўлади». Бошқа ривоятда: «Бир-бирларини ушлаганча ҳаммалари баробар кирадилар», - дейилган.

Уларнинг юzlари худди тўлин ой юзли бўлади. Улардан кейингилар худди осмонда порлаб турган юлдузга ўхшатилади. Улар жаннат нози-неъматларидан тотадилар.

Дунёдан фарқли ўлароқ улар бу ерда беҳузур бўлмайдилар. Еганларини чиқариш, туфлаш, бурун қоқиш сингари ишлар жаннатда содир бўлмайди. Тароқлари олтиндан, қадаҳлари билтурдан, улардан мушки анбар хиди таралиб туради. Атрофларида ҳурлар парвона бўлади. Уларнинг ҳаммаси бир хил шаклда, худди Одам алайҳис-саломнинг суратида – олтмиш газли бўладилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан жаннат нимадан курилгани ҳақида сўрадик.

---

«Бир ғиши кумуш, яна бир ғиши олтиндан, лойи мушки анбар, майда тошлари марварид ва ёқутдан, тупроғи эса заъфарондир. Ким у ерга кирса, фароғатда мангу яшайди, асло маюслик, қарилек ва ўлим нималигини билмайди», – дедилар.

Имом Муслим ривоят килган ушбу ҳадисда ахли жаннат жаннатга кириб, ўз ўринларини олгандан сўнг уларга нидо килинади: «Доимий соғлик, боқий ҳаёт, кексаликка юз тутмас ёшлиқ, ғам-андухсиз, фароғатли ҳаёт муборак бўлсин!

Аллоҳ таолонинг куйидаги ояти ҳам бунга ишорадир: «Қилиб ўтган амалларингиз учун сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир».

Расулуллоҳ жаннатда ичкаридан ташқариси, ташқаридан ичкариси кўриниб турадиган хоналар борлигини айтганда бир аъробий: «У хоналар кимга берилади?», деб сўради. Шунда пайғамбаримиз: «Яхши гапларни гапирган, очларни тўйдирган, давомий рўза тутган ва одамлар ухлаётганда тунларни Аллоҳ учун бедор ўтказганларни кидир», – деганлар.

Яна ҳадисларда мўминлар учун ёқутдан чодирлар ҳозирлаб қўйилгани, бу чодирларнинг узунлиги олтмиш газ бўлиши, мўмин киши жаннатнинг бошқа даражасидаги биродарини бориб зиёрат қилиши ҳам айтилган.

Жаннатдаги анхорлар ҳақида билмоқчи бўлсак, ушбу оятни ўқисак бўлади:

«Тақволи зотлар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (сифати будир). Унда айнимас сувдан иборат анхорлар ҳам, таъми ўзгармас сутдан иборат анхорлар ҳам, ичувчилар учун лаззатли (ақлдан оздирмайдиган) майдан бўлмиш анхорлар ҳам ва мусаффо асалдан иборат анхорлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва (у жойда) Парвардигорлари томонидан мағфират бордир». *Муҳаммад сураси, 15-оят.*

Диндош биродар, жаннат нақадар буюк ва улуг даргоҳ!

Тупроғи миск ва зафарон, майда тошлари марварид, ёқут ва маржон, ғиштлари олтин ва кумуш, қасрлари биллурузумраддан, шифти Раҳмоннинг арши, турли ҳил қандиллар осигулик унда, фавворалар ҳар ёнга сувларни уфуран, ипак ва ҳариirlар, битмас ва туганмас мевалар, баланд-баланд супалар, биллур қадаҳлару, зилол- зилол сувлар аҳли жаннатга муҳайё унда! Кўнгил тусаган қуш гўшtlари бирлаҳзада ҳозирдир бунда!

«У жаннатларда кўзларини бегона эркаклардан тиювчи шундай ҳурлар борки, уларга илгари на инсон ва на жинлар теккан. Уларнинг баданлари тиниқлик ва силлиқликда гуёки ёқут ва маржондир». Ар-Раҳмон сураси.

Пайғамбаримиз: «Агар жаннат аҳлидан бўлган бир аёл ер юзига кўриниш берса эди, ер юзини ёритворар, ундан келган хушбўй хид бутун дунёни тутиб кетган бўлар эди, бошидаги рўмоли эса дунё ва дунёдаги барча нарсалардан яхшироқдир», — деганлар. *Бухорий ривояти.*

Яна пайғамбаримиз айтади: «Жаннатга кирган ҳар бир эркакка иккитадан хур қиз берилади. Ҳар бир ҳурни етмиштадан либоси бўлади. Ҳурлар суякларининг илиги либослари орасидан ҳам кўриниб туради».

Бошқа ривоятда: «Суякларининг илиги гўштлари орасидан ҳам кўриниб туради», — дейилган.

Жаннатда ғам-ташвиш, қайғу, меҳнат ва мاشақат, гина-кудурат, бир-бирини кўролмаслик сингари салбий сифатлар мўминлар қалбидан кўтарилади.

«Жаннатга кирган чоғларида дейдилар бизлардан қайғуни кетказган зот-Аллоҳга ҳамд айтамиз. Дархақиқат, роббимиз мағфиратли ва шукр соҳибидир. У ўғазли билан бизларни шундай мангу турадиган диёрга туширдики, у жойда бизларга на машақат етар ва у жойда бизга на чарчоқ етар». *Фотир сураси, 34-35-оятлар.*

«Улар у жойда бехуда ва гуноҳ сўзни эшитмаслар. Фақат (*бир-бирларига айтадиган*) салом-салом сўзинигина эшитурлар. Парвардигори оламдан саломни эшитурлар.

Уларга раҳмли Парвардигорлари томонидан салом айтилур». *Ёсин сураси, 58-оят.*

«Ҳар бир эшиқдан уларнинг хузурларига кирган фаришталар дерлар: сабр қилиб ўтганларингиз сабабли бу ерда сизларга тинчлик бўлгай! Жаннатнинг қўриқчилари ҳам уларга салом йўллади. Жаннатнинг қўриқчилари: Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, жаннатга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кирингиз». *Зумар сураси, 73-оят.*

Жаннати Аднда эса аҳли жаннат ўз ота-онаси, аҳли аёли ва зурриёти билан бирга бўлади.

«У абадий боғлар бўлиб, у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳ бандалар билан бирга киуруллар». *Раъд сураси, 23-оят.*

Бу нематлардан ва бу баҳт-саодатдан ҳам олийроқ нарса борми?!

Ҳа, жаннатда солиҳ бандаларга бериладиган нематларнинг гултожи Аллоҳнинг жамолини қўриш қолди. Парвардогори олам ўзидан ҳижобни олиб, солиҳ бандаларига тажаллий қиласи. Ўзининг нури или уларни ҳар томондан қоплади.

Солиҳ бандалар Аллоҳнинг жамолини қўриш баҳтига муяссар бўладилар.

---

---

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтади:  
«Аҳли жаннат жаннатга кириб, ўз жойларини олгач, Аллоҳ таоло уларга айтади: Сизларга яна бирор нарсани зиёда қилишимни хоҳлайсизларми? Улар: юзларимизни ёруғ қилдинг, жаннатларга киргиздинг, дўзахдан паноҳ бердинг, дейишади. Шунда ҳижоб кўтарилади, Аллоҳ азза ва жалланинг жамолини кўришдан улуғроқ неъмат йўқлигини биладилар». *Муслим ривояти.*

Парвардигоро, ўзингдан илтижо қилиб сўраймиз, бизларнинг гуноҳларимизни афв эт, жаннатда солиҳ бандаларинг билан бирга қил, бизларга, ота-оналаримизга, аҳли аёлу фарзандларимизга Ўзингнинг улуг жамолингни кўришни насиб айла!

---

---